



O'ZBEKISTON OVOZI

2014-yil, 23-dekabr. Seshanba • 153 (31.900) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

САЙЛОВ — 2014

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ

Мамлакатимизда 2014 йил 21 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 декабрь куни овоз бериш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 644-сайлов участкасига таширф бўлди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Конституция билан кафолатланган сайлов тизими яратилди. Бу тизим илҳом тақомиллаштириб борилмоқда.

2005 йилдан буён Ўзбекистонда икки палатали парламент фаолият кўрсатмоқда. 2003 ва 2008 йилларда Бош қомусимиз, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бунинг самарасида миллий сайлов тизимининг бос-

қичма-босқич либераллашуви, икки палатали парламент сайловларининг халқаро нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукамал қонунчилик базаси шаклланди.

Президент Ислам Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган қонунлар Олий Мажлисининг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини сезиларли даражада кучайтирди. Сайлов яқунларига кўра, парламентда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди тақлиф этилиши тамойили ҳамда ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

ЎЗА

МАТБУОТ АНЖУМАНИ



Кеча Марказий сайлов комиссияси халқаро ва хорижий кузатувчилар, мамлакатимиз ҳамда чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди. Унда сайловнинг яқунлари ва дастлабки натижалари эълон қилинди. Бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов атрафлича маълумот берди.

Мамлакатимизда сайлов очиқ-ошкора, умумэтироф этилган демократик тамойиллар асосида ўтди

2

Кузатувчилар миссиялари:

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ЮКСАК ТАШКИЛИЙ САВИЯДА ЎТДИ

Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кузатувчилари миссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни кузатиш натижалари бўйича матбуот анжуманлари ўтказилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси 19-22 декабрь кунлари парламент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан мониторинг олиб борди. Матбуот анжуманида миссия кузатувчиларининг Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни кузатиш натижалари бўйича баёнотини миссия раҳбари, ШХТ Бош қотиби ўринбосари Маҳмадшариф Хақдодов ўқиб эшиттирди.

Ҳужжатда таъкидланишича, «сайлов кампанияси доирасида-

ги барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қатъий мувофиқ равишда очиқ ва ошкора ўтди. Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ва кенг имкониятлар яратилди. Партиялар сайловчилар билан мустақил учрашув имконига эга бўлди».

Овоз бериш ва сайлов яқунларини сарҳисоб қилиш жараёни ҳолис баҳолаш мақсадида миссия Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган участка сайлов комиссияларининг фаолияти билан танишди. Сай-

лов куни миссия пойтахтимизда, шунингдек, Тошкент вилоятининг шаҳар ва аҳоли пунктларида 2014 йил 21 декабрда овоз бериш учун маҳаллий вақт билан соат 6.00 дан 20.00 гача очиқ бўлган 73 сайлов участкасида бўлди.

«Таъкидлаш жоизки, сайлов участкаларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги талабларига биноан ташкил этилди. Овоз бериш давомида мамлакат фуқароларининг фаоллиги кузатилди», — деди кузатувчилар.

▶ Давоми 2-бетда.

БРИФИНГ

2014 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки натижаларига бағишланган брифинг ўтказилди.

Такрорий сайловда кўпроқ ўрин олишимиз керак



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Унда ЎзДХП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов партиянинг сайловдаги иштироки ҳақида ахборот берди.

— Сайлов натижалари бўйича муносабат билдиришдан олдин сайлов билан боғлиқ жараёнларга тўхталиб ўтиш мақсада мувофиқ, — деди партия етакчиси. — Аввало, мамлакатимизда истиқлол йилларида фуқаролар, сиёсий партияларнинг мустақиллиги ва фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссияси эълон қилган дастлабки натижаларга кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партия 21 та ўрин олишга эришди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида эса сезиларли устунликка эришдик.

Айтиш жоизки, биз ўз олдимишга катта вазифаларга ҳар доимидан кенг-

роқ тарғиб қилишга эришилди. Бу жараёнда партияимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини янада юксалтиришни устувор йўналиш қилиб олди.

Айтиш жоизки, сайловчилар билан ўтган мулоқотлар ва учрашувлар давомида партияимизнинг қатор гоёлари бугунги кун талабларига мос эканига яна бир бор амин бўлдик, ишончимизни мустаҳкамладик. Энг муҳими, халқимиз партияимиз Сайловолди дастурини фаол қўллаб-қувватлади.

Шундан келиб чиқиб, 2015 йилнинг 4 январь кунини ўтаётган кунларда партияимизнинг сайловларга қаттиқ тайёргарлиги, кўпроқ ўрин олиш учун бор имкониятларимизни ишга солашимиз.

Ўз мухбиримиз.

СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

Тарихи бой, маънавияти юксак халқнинг келажаги буюк бўлади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайлов жараёнларини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган уч юздан зиёд кузатувчи беvosита кузатиб борди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирлари уларнинг айримлари билан сўхбатда бўлиб, мамлакатимизнинг сайлов тизими, сайловга тайёргарлик, овоз бериш жараёни ҳақидаги фикрлари билан қизиқди:

Сергей ЛЕБЕДЕВ, МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижроия қотиби:

— Биз, МДХ ваколати билан 8 мамлакатдан келган 76 кузатувчи 8 декабрдан буён Ўзбекистонда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, сайловларга тайёргарлик ва унинг ўтказилиш жараёнлари билан атрафлича танишдик. Мен Жиззах вилоятидаги бир неча сайлов участкасида бўлиб, сайловлар мамлакат қонунлари ва халқаро меъёрлар асосида ташкил этилгани, бу ерда сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этаётганига гувоҳ бўлдим. Барча сайлов округларида номзодлар мавжуд бўлиши сиёсий партиядан муқобил-

лик асосида қўйилгани, участкаларда сайловчилар учун яратилган қулайликлар, тиббиёт, оналар ва болалар хоналари ташкил этилгани менда катта таассурот қолдирди. Амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг амалий самарасини «Жиззахплатекс» корхонаси, янги уй-жойлар, ижтимоий иншоотлар, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасида, одамларнинг сайловда мамнулик билан қатнашганларида ҳам кўрдим. Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ривожланишининг тўғри ва оқилона йўли танланганига яна бир далилдир.

▶ Давоми 3-бетда.

Мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар барча ҳудудларда ушшоқлик ва катта кўтаринкилик билан, очиқ ва ошқоралик принципларига амал қилинган ҳолда ўтказилди. Сайловда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, Осиё, Европа, Африка, Америка ва МДХ давлатларидан кузатувчилар иштирок этди. Мухбирларимиз уларнинг айримлари билан мулоқотда бўлди.

Халқаро кузатувчилар

юртимизда демократик ислохотлар тобора чуқурлашиб бораётганини эътироф этишди

Франциялик халқаро кузатувчи

Пьер Эммануэль Дюпон:

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов жараёнини янада демократлаштириш, уни умумэтироф этилган демократик принципларга мувофиқ равишда ўтказиш бўйича ҳуқуқий кафолатларни кучайтиришга хизмат қилади, деб бемалол айтишим мумкин. Бунга сайловни кузатиб яққол амин бўлдим. Сурхондарё вилоятидаги 70-Термиз сайлов округи ва қатор сайлов участкаларида бўлиб, сайловчилар учун яратилган

шароитлар билан яқиндан танишдим. Айниқса, барча сайлов участкалари овоз беришни юқори даражада ўтказиш учун тайёр ҳолга келтирилгани, зарур жиҳозлар, хусусан, алоқа воситалари, компьютер ва ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлангани менга жуда маъқул бўлди. Фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишларида хизмат қиладиган бу каби имкониятлар алоҳида эътирофга лойиқ.

▶ Давоми 2-бетда.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

МАМЛАКАТИМИЗДА САЙЛОВ ОЧИҚ-ОШКОРА, УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА ЎТДИ

— Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтган сайлов мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлидаги янги бир муҳим қадам бўлди, — деди у. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган, Олий Мажлис томонидан 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик ҳаётининг ривожлантириш концепцияси қарор қилинган ҳаётда изчил таъбиқ этилаётгани бунинг асосий кафолати бўлгани алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизнинг узоқ муддатга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ҳисобланган мазкур ҳужжатга мувофиқ, юртимизда сайлов тизимини ривожлантириш соҳасида ҳам чуқур демократик ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган сўнги тўзатишларга асосан, Марказий сайлов комиссиясини демократик асосда шакллантириш тизими, унинг асосий фаолият принциплари конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланди. Ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларни ташкил этиш учун масъул бўлган сайлов органларининг бутун тизими мустақиллигининг кафолатлари кучайтирилди.

Сайлов қонунчилиги фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлаш бўйича киритилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар сайловни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий сайлов қонунчилиги ҳамда халқаро демократик стандартларга тўла мос тарзда ўтказиш имконини берди.

Шулар қаторида Концепция асосида давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлисининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада оширилгани, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш, амалга оширишда мамлакатимиз олий қонунчилик органининг имкониятлари кенгайтирилгани, айни пайтда ҳукуматнинг парламент олдида, жойлардаги давлат бошқаруви орган-

ларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари олдида масъулияти оширилгани алоҳида қайд этилди.

Конституцияга мувофиқ эндиликда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан тақлиф этилади. Ушбу меъёرنинг жорий этилиши сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва ролини янада юксалтиришда таъминла янги имкониятларни яратиб берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёнининг барча босқичларида сиёсий партиялар фракциялари ҳамда депутатлар гуруҳининг роли кучайтирилди. Бугун бирон-бир қонун ҳужжати фракцияларнинг фикрлари ва тақлифларини ҳисобга олмадан қабул қилинмайди.

Бош Қомусимизда парламент ва жамоатчилик назорати институтлари, уларни амалга ошириш механизмларининг мустаҳкамлангани ҳам давлат ҳокимиятини юксак демократик меъёزلарга таянган ҳолда модернизация қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, мамлакатимиз қонунчилигида бундай ўзгаришлар қонун чиқаруви ва ижро этувчи ҳокимият фаолиятини янада демократлаштиришга, сиёсий партияларнинг фаоллиги, таъсир кучини оширишга, муҳими, демократик ҳаётнинг энг муҳим ҳусусияти бўлиши партияларнинг рақобатини кучайтиришга замин яратди.

Марказий сайлов комиссияси 2014 йил 12 май кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича тад-



Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган сайлов матбуот анжуманида.

бирлар дастурини қабул қилди. Мазкур дастур изчил амалга оширилгани сайлов қонун талабларига риоя этган ҳолда ўтказилишида муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, сайлов кампанияси жараёнида қонун талаблари ҳамма учун бир хил ва мажбурийлиги ҳақидаги қоидаларга амал қилинди.

Сайлов кuni халқимиз Ватанимизнинг эртаниги истиқболни, фаровонлиги учун муносиб ҳисса қўша оладиган, давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўзининг вакили сифатида ишонч билдирган номзодларга овоз берди.

Матбуот анжуманида қайд этилдики, бу галги сайловда сайловчиларнинг фаоллиги, фуқаролик масъулияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохот ва ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси янада ошгани яққол намоён бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловда бу йил 18 миллион 400 минг нафар сайловчи иштирок этди. Бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 89 фоизини ташкил қилди.

8 минг 311 нафар сайловчи қонунга асосан мuddатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди.

Дастлабки маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 135 сайлов округининг 113 тасида депутатлар сайланган. Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 47 нафар, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан 17 нафар, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 28 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 21 нафар депутат сайланган.

Эслатиб ўтамиз, қонунга асосан округ миқёсида овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўп овозини олган, яъни 50 фоиздан ортиқ сайловчи хайрихоҳ бўлган номзод Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланган ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссияси раиси берган маълумотга кўра, парламент қуйи палатасига сайлов ўтказувчи 22 округда номзодларнинг биронтаси етарли миқдорда овоз тўплай олган. Яъни, мазкур округлардан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат сайланган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасига биноан,

агар сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан биронта ичидан энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз бериш ўтказилади. Бу ҳолда такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг кўпроқ овозини олган номзод парламент қуйи палатасига сайланган ҳисобланади. Демак, 22 округда сайлов энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича қайтадан ўтказилади.

Матбуот анжуманида, шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг конференцияси ҳақида ҳам ахборот берилди. Маълум қилинишича, мамлакатимизнинг ҳар бир маъмурий ҳудуди ҳамда Экоҳаракат Марказий қангаси Ижроия қўмитасидан иштирок этган делегатлар яширин овоз бериш йўли билан Қонунчилик палатасига мазкур ҳаракатдан 15 нафар депутат сайлаган. **Ўзбекистон Экологик ҳаракати олий органи Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар рўйхатини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этган.**

Мирзо-Улугбек Абдусаломов сайлов кuni қонунчиликка риоя қилиниши бўйича шикоятлар ва мурожаатлар масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Маълумотга кўра, давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказилган сайлов бўйича қонунчилик талаблари қўпол равишда бузилгани ҳақида хабар ёки маълумотлар келиб тушмаган. Аммо Марказий сайлов комиссиясининг ишонч телефонларига қатор мурожаатлар, тақлифлар ҳамда айрим масалаларда эътирозлар бўлган. Уларнинг барчасини қонунда қўрсатилган муддат ва тартибда қўриб чиқиш, ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар қўрилгани маълум қилинди.

Шуларга асосланиб, **матбуот анжуманида бу йилги сайлов Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, сайлов қонунчилиги ҳамда халқаро демократик тартиб-тамоийиларга риоя қилинган ҳолда ўтказилгани қайд этилди.**

Сайловнинг очиқ ва ошқора ўтишида халқаро, хорижий ва маҳаллий кузатувчилар фаолияти алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Сайловда Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ҳамда Ислом ҳамкорлик ташкилотидан, шунингдек, 50 дан ортиқ давлатдан 300 нафардан зиёд кузатувчи иштирок этди. Мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг 70 мингдан зиёд кузатувчи ва ваколатли вакиллари ҳам бу жараёнда фаол қатнашди.

Юртимиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг 350 нафарга яқин вакили мамлакатимиздаги сайлов жараёнини кенг ёритиш, унинг тафсилотлари ҳақида тезкор ва таҳлилий ахборот етказиш ишларини изчил давом эттирмоқда.

Марказий сайлов комиссияси ҳозирги вақтда округ сайлов комиссиялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан тақдим этилган баённомалар ҳамда бошқа ҳужжатларни қўриб чиқмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, зарур ҳолларда алоҳида участка сайлов комиссияларининг материаллари Марказий сайлов комиссияси томонидан яна бир бор синчиклаб қўриб чиқилиши мумкин. Шундан сўнг Марказий сайлов комиссияси сайлов якунлари тўғрисида қарор қабул қилади.

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси раиси журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Сайлов якунлари тўғрисидаги ахборот ва Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг рўйхати сайловдан кейинги 10 кунлик муддатдан, яъни жорий йилнинг 31 декабрь санасидан кечиктирилмасдан Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда расман эълон қилинади.

Тўқтин ТўРАХОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.



Кузатувчилар миссиялари:

Ўзбекистонда сайлов юксак ташкилий савияда ўтди

Миссия вакиллари сайлов участкаларининг ёпилишида ҳам иштирок этди. Мазкур жараёнларда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунчилик бўлими вакиллари миссия томонидан аниқланмади.

Миссия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Ўзбекистон томонидан қабул қилинган халқаро мажбуриятларга мувофиқ равишда ўтказилди, деб ҳисоблайди. Миссиянинг фикрича, сайлов очиқ, ошқора ва демократик руҳда ўтди.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси ҳам Ўзбекистон парламенти қуйи палатасига сайлов мониторинг бўйича салмоқли ишларни амалга оширди. Матбуот анжума-

нида миссия раҳбари, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг сиёсий масалалар бўйича департаменти директори Али Абдуҳасановий сайловни кузатиш доирасида миссия аъзолари Марказий сайлов комиссиясида учрашувлар ўтказгани, пойтахтимизда жойлашган округ ва участка сайлов комиссиялари фаолияти билан танишгани, сайловчилар билан мулоқотда бўлиб, Бухоро вилоятидаги сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатганини таъкидлади.

— Сайлов юксак савияда ташкил этилди, — деди миссия раҳбари. — Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси сайловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик қўрган ва бу сайлов давомида ёрқин намоён бўлди. Сайлов миллий қонунчилик талаблари ва халқаро нормаларга мувофиқ адолатли ва демократик руҳда ўтди. Мамлакат фуқароларининг

фуқароларнинг эркин хоҳиш билдирилиши, овоз бериши билан овозларни санаб чиқиш жараёнининг ошқоралигини таъминлаш учун барча зарур шароит яратилганини қайд этди.

— Ўзбекистон халқини сайловда фаол иштирок этгани билан табриклайман, — деди миссия раҳбари. — Улар мамлакатда сиёсий институтларнинг ролини ошириш учун ўзининг юксак масъулиятини бу жараёнда фаол иштирок этиши билан намойиш қилди. МДҲ кузатувчилари миссияси номида сайлов юксак савияда ташкил этилгани ва транспарентлиги асосида ўтганидан қониқиб ҳосил қилганимизни билдирмоқчиман. Ушбу сайлов Ўзбекистонда демократияни янада мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗД мухбири.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Халқаро кузатувчилар

юртимизда демократик ислохотлар тобора чуқурлашиб бораётганини эътироф этишди

Ҳиндистонлик халқаро кузатувчи Правда Ратхор:

— Ўзбекистонда демократик ислохотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Масалан, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши давлат ҳокимиятининг демократик талаблар орқали шакллантириш бўйича умумэътироф этилган халқаро принциплар ва ҳуқуқий нормаларга тўлиқ мос келади.

Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг кучли рақобат асосида сайловли тарғиботи юксак савияда олиб борганини фуқаролар фаоллигидан ҳам билса бўлади. Чунки сайлов участкаларида ёшу қари бирдек овоз беришга шошилаётгани халқининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксаклигидан, сиёсий жараёнларга бефарқ эмаслигидан дарак беради.

Шу ўринда алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайловларга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий ташкилотчи экани қонун билан мустаҳкамлаб қўйилгани менга маъқул бўлди. Бу сайлов жараёнига ҳеч кимнинг, авваламбор, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг аралашшига ҳақиқийлигини кафолатлаш билан бирга сайловни эркин, очиқ ва ошқора ўтказишга муҳим аҳамиятга эга.

Бизга берилган ҳуқуқ ва ваколатдан фойдаланиб, сайлов жараёнини кузатиш мақсадида Сурхондарёдаги ўзимиз истаган участкаларга бордик. Ҳамма жойда сайловлар кўнгилдагидек ўтаётгани амин бўлдим.

Айни кунларда Сурхондарё воҳасида 2 миллион 300 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят,

туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган бу йилги сайловларда 1,5 миллион нафардан ортиқ фуқаро ўзи ишонган номзодларга овоз берди.

Приллер Экхард, Германияда сайловларни ташкил этиш бўйича мутахассис, халқаро кузатувчи:

— Сайлов участкаларида бўлганимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар плакатлари бир жойдан ўрин олгани, номзод ҳақидаги матларнинг бири хил рангда бўлгани дастлаб мени ажаблантирди. Сайловни ўтказишга масъулларга бу ҳақда савол билан мурожаат этдим. Билдимки, мамлакатингизда сайлов жараёнида барча сиёсий партияларга бир хилда шароит яратилар экан. Сайловчилар сони, биринчи бор овоз беришчилар билан ҳам қизиқдим. Барча саволларимга батафсил жавоб олдим.

Ўзбекистонда сайловларнинг демократик тамойиллар ва сайлов қонунчилиги асосида ўтказилаётганига, сайлов жараёнида ўзбек халқига хос уюшқоқлик, тартиб-интизом, маданият ҳамда бошқа миллий фазилатлар акс этиб турганига гувоҳ бўлдим.

Ҳамид Ҳафиз ал-Абдулла, Кувейт университети профессори, халқаро кузатувчи:

— Бир неча сайлов участкаларида бўлдим. Уларнинг барчасида сайловнинг очиллиги ва ошқоралик, демократик принциплар асосида ўтиши учун имкониятлар етарли даражада. Менга, айниқса, Оналар ва болалар хонаси, тиббиёт хонасининг ташкил этилгани маъқул тушди. Масалан, Самарқанд давлат чет тиллар институти биносидан жойлашган 60-сайлов участкасида оналари овоз бераётган болаларнинг қўғирчоқ ўйнаб ўтиганини кўрдим. Ўзбек халқининг болажонлигига яна бир бор амин бўлдим.

Бир неча участкаларда сайлов

мутасаддилари билан суҳбатлашдим. Барчасининг қарашлари, фикрлари теран. Уйлайманки, сайловчилар ўзлари учун энг керакли, Ватан, халқ манфаатини чуқур ҳис этадиган номзодлар учун овоз беришади.

Муҳаммад Салом, «Ал-Масас» газетаси бош муҳаррири (Миср), халқаро кузатувчи:

— Мен журналист сифатида Ўзбекистон ҳақида, мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида кўплаб мақолалар ёзиб, ўзбек халқи эришаётган беқиёс ютуқларни Араб дунёсида тарғиб этиб келаман. Мамлакатингиздаги олдинги сайловларда ҳам иштирок этганман. Шу боис ўз таърибамга таянган ҳолда, Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ўзим ишлаётган 100 минг нусхада нашр этиладиган газетамда ҳам яқинда мақола чоп этдим.

Кузатишимча, Самарқанддаги барча сайлов участкаларида овоз бериш ошқоралик ва демократия тамойиллари асосида ўтмоқда. Қувончлиси, сайловчилар фаол. Қайси участкада бўлмайин овоз беришга келаётганларнинг юзларида табассум кўрдим. Демак, сайлов — Ўзбекистон халқи учун катта байрам.

Сиёсий партиялар, улардан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг халқ хоҳиш-иродасини амалда рўёбга чиқаришига шубҳа йўқ. Бунинг учун Ўзбекистонда барча имкониятлар, шарт-шароитлар муҳайё этилган. Сиёсий партиялар, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари билан бўлган суҳбатлар менинг шундай хулоса қилишимга асос бўлди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
Абдурусул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.



O'ZBEKISTON OVOZI

«Сиёсий партияларнинг етуклик даражаси, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, конституциявий ислохотларнинг энг муҳим асоси, уларни амалга оширишнинг ҳал қилувчи шarti ва гаровига айланмоқда»

САЙЛОВ — 2014

Дунё жамоатчилиги, халқаро ташкилотлар мутахассислари ва сиёсатчилар 21 декабрь куни Ўзбекистонда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловга катта қизиқиш билдирмоқда.

Юртимизга келиб, сайлов жараёнларини бевосита кузатган халқаро кузатувчилар, шунингдек, хорижий расмий доира вакиллари томонидан мамлакатимиз ҳаётидаги ушбу муҳим сиёсий воқеа ҳақида ижобий фикрлар айтилмоқда. Ўзбекистонда парламент, умуман, вакиллик ҳокимиятининг ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотларга юқори баҳо берилмоқда.



Халқимиз сайловда

фаол фуқаролик позициясини, келажакка ишончи мустаҳкам эканини кўрсатди

СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайлов жараёнларини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган уч юздан зиёд кузатувчи бевосита кузатиб борди. ЎЗА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, мамлакатимизнинг сайлов тизими ва овоз бериш жараёни ҳақидаги фикрлари билан қизиқди.

Ватан, халқ тақдирига дахлдорлик туйғуси яққол намоён бўлди

Маҳмадшариф ҲАҚДОДОВ,

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котибининг ўринбосари:

— Тошкентдаги қатор сайлов участкаларида бўлиб, Ўзбекистонда ўтказилган парламент сайлови жараёнларини синчковлик билан кузатдик. Ўзбекистон фуқароларининг ўз конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш учун барвақт сайлов участкаларига келгани, жараёнда фаол иштирок этгани, улардаги байрамона ва кўтаринки кайфият менда, айниқса, ўзгача таассурот қолдирди. Бу халқингиз қалбида юртингизда рўй бераётган сиёсий жараёнларга, мамлакат тақдири

ва унинг эртанги кунига дахлдорлик ҳисси мужассам эканидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг сайлов тизимини ва бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича улкан ишлар амалга оширилган. Ушбу омил сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг ўз сайловолди ташвиқотларини халқаро демократик стандартлар асосида ўтказишини таъминлади.

Ўзбекистонда ўтказилган сайловларга хорижий оммавий ахборот воситалари ва халқаро кузатувчилар томонидан катта қизиқиш билдирилгани эътиборга молик. Бу Ўзбекистонда ўтган мазкур сиёсий воқеанинг гоёт муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради.

яратилди. Улар эрта тондан келиб, ўзлари танлаган номзодга овоз беришди.

Сайлов жараёнини кузатиш билан бирга, қадимий ва мафтункор Самарқанднинг дунёга машҳур обидалари ҳамда

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 135 сайлов округининг 113 тасида депутатлар сайланди. Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 22 округда 2015 йил 4 январь куни такрорий овоз бериш ўтказилади

Мен сайловда биринчи марта овоз бердим!

Кунни кеча мамлакатимизда катта сиёсий воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтди. Ҳар бир фуқаро конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, сайловда ўзи ишонган ва қўллаб-қувватлаган номзодга овоз берди. Юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этишидан келиб чиқиб фикрласак, сайловда навқирон авлоднинг фаоллиги ва таъсир кучи нечоғлик муҳимлиги ойдинлашади. Бу муҳим сиёсий жараёнда ёшлар, айниқса, илк марта қатнашаётган фарзандларимиз катта ҳаяжон ва чуқур масъулият билан иштирок этди. Бу уларда Ватан равнақи, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ортиб бораётганидан далолатдир. Шу боис сайловда биринчи марта овоз берган ёшлардан айримларининг сайлов ҳақидаги таассуротлари билан қизиқдик.

► Давоми 2-бетда.

МУНОСАБАТ

Тарихнинг ибрат саҳифаси бўлиб қолади

Европа давлатларининг раҳбарларидан бири юртимизга ташрифи чоғида журналистларга берган интервьюсида Ўзбекистондаги маҳалла институти бюджет маблағларини ўз ҳудудидаги эҳтиёжманд фуқароларга тақсимлаб бериш ҳуқуқига эгаллигидан ҳайратланиб гапиргани ёдимда. Менимча, ўша раҳбар Ўзбекистонда 2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинганини эшитса, унданда ҳайратга тушса ажаб эмас.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Давлатимиз раҳбари барча ислохотлар инсон учун, унинг манфаатлари, бахтли ҳаётини таъминлаш учун, деган эди. Мана 23 йилдирки, бу тамойил изчиллик билан амалга ошириб келиняпти. Биргина мисол Юртбошимизнинг Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, фронт-орти меҳнат фахрийларини санаторийларда бепул дам олишлари, даволанишлари, бир сўз билан айтганда, уларни соғломлаштиришга, умрини янада узайтиришга қаратилган фармони эълон қилинган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанادا эса Президентимиз биз кексалар қалбини яна тоғдек кўтариб юборди. Шундоқ ҳам иззат-икромда эдик. Давраларнинг тўри, мактовларнинг олди бизга қаратилар эди. Мана энди 2015 йилни Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши билан эътибор яна ошадиган бўлди. Вилоятимиз раҳбари шу муносабат билан «Нуроний», «Маҳалла» хайрия жамғармалари фаоллари, меҳнат фахрийлари билан учрашиб, тақлиф ва мулоҳазаларимизни сўради. Мамлакатимиз раҳбари бош бўлган хайрли ҳаракат тез ва кенг қўламда амалга оша бошлаганидан қувонмай бўладими!..

Йиллар ўтади, Ўзбекистоннинг бугун яратилган тарихи, мен уйлайманки, дунё халқлари учун ибрат саҳифасига айланиб қолади.

Топволди ХОЛДОРОВ,
«Нуроний» жамғармаси Фарғона вилоят бўлими раиси,
халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

«Ўзбекистон ОВОЗИ» газетаси сайтыда ўқинг

Мамлакатимизда сайлов очиқ-ошкора, умумэътироф этилган демократик тамойиллар асосида ўтди



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Элбек НОМОЗОВ, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг кино, телевидение ва радио режиссёрлиги факультети 3-курс талабаси:

— Мен режиссёр бўлсам журналистлар, уларнинг машаққатли меҳнати ҳақида фильм яратмоқчиман. «Ўзбекистон овози»ни матбуот дўконидан тополмай қолган пайтларимда www.uzbekistonovozi.uz сайтдан бўлса ҳам ўқишга ҳаракат қиламан. Агар «Ўзбекистон овози»га обуна бўлсак, йил давомида ўзимизга яқин ҳамроҳ, маслақдош топган бўлаемиз.

Шошилинг! Йиллик обуна тугашига саноқли кунлар қолди.

«ЎЗБЕКISTON OVOZI»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Обуна индекси — 220

«Ҳар гўдакни мўъжиза деб билинг, қутқариши мумкин дунёни!»
акциясининг навбатдагиси Қарши шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйида ўтказилди.

Акция тафсилотлари билан газетамизнинг келуеи сонларидан бирида танишасиз.



САЙЛОВ — 2014

Халқимиз сайловда фаол фуқаролик позициясини, келажакка ишончи мустаҳкам эканини кўрсатди

Жаҳон оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари, интернет нашрлар бу жараёни, мамлакатимиздаги сайлов тафсилотларини кенг ёритиб борди. Мисол учун, сайлов арасида ва ундан кейин — уч кун ичида Хитойдаги дунёга машҳур биргина «Синьхуа» ахборот агентлиги Ўзбекистондаги сайлов ҳақида 15 га яқин хабар тарқатди.

«... сайлов кампанияси билан боғлиқ барча тадбирлар очик-ошкор, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилди. Сиёсий партиялар, депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ва кенг имкониятлар яратилди», дейилади «Синьхуа» агентлигининг расмий сайтида берилган материалда. (2014 йил, 22 декабрь)

Россия ахборот агентлиги (РИА) сайлов кун таркатган хабарда МДХ Кузатувчилар миссияси раҳбари Сергей Лебедевнинг Тошкентдаги сайлов участкаларидан бирида айтган фикри келтирилди. Ушбу хабарда сайловда юқори ташкилий савияда, сайловчилар фаоллиги асосида ўтаётгани қайд этилди.

Умуман, жаҳон оммавий ахборот воситаларининг тегишли материалларида Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқидан тўлақонли фойдаланишини таъминлаш, парламент демократиясини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш томон муҳим қадамлар ташланаётгани алоҳида эътиборда бўлди. Бу, шубҳасиз, дунё жамоатчилигининг Ўзбекистон, халқимиз ҳақидаги тасаввурини бойитишда муҳим аҳамият касб этди. Мамлакатимиз нафақат катта тарихи, кўнгли очик, меҳмондўст халқи билан, балки инсон ҳуқуқларини қафолатлаш, демократияни юксалтириш йўлидаги жиддий ва улкан ютуқлари билан жаҳон кўз ўнгига яна бир бор ҳурматга сазовор бўлди. Бунга асослар етарли.

Марказий сайлов комиссияси сайлов кун соат 13:00 да ўтказган дастлабки брифингда расмий рўйхатга олинган 20 миллион 800 минг нафарга яқин сайловчиларнинг 56 фоиздан кўпроги овоз беришда иштирок этгани маълум қилинди. Демак, уша кун хаммининг асосий режаси сайловда қатнашиш, ўзи маълум кўрган номзодга овоз бериш бўлган. Бу фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги, маданияти юксалганидан, фуқаролик масъулияти ва позицияси тобора мустаҳкам бўлаётганидан далолат беради.

— Сайлов кун эрталабки соат 7 ларда овоз бериш учун сайлов участкасига чиққанимда, тўпланиб турган

«Давоми. Бошланғич 1-бетда».



ҳисобга олиниб, сайлов қонунчилигига қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Натижада сайловчиларнинг сиёсий партиялар Дастурлари, ғоявий мақсадлари билан, депутатликка номзодларнинг инсоний фазилатлари ва келгуси режалари билан ақиндан танишиш, маъқулидан танишиш имконияти ҳам ортди.

Ўтган сайловдан кейинги вақт мобайнида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ишлаш тартиби, масалаларни муҳокама қилиш жараёнлари ривожланди, янада демократлашди, улар қабул қиладиган қарорларнинг таъсир кучи, ҳуқуқий мақоми ошди.

Хозир Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонулар лойиҳалари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар кўриб чиқилаётганда ҳар бир депутатнинг, фракцияларнинг фикри, муносабати, таклифи, албатта, ҳисобга олинмоқда. Уларнинг қабул қилиниши ёки қилинмаслиги сабаблари юзасидан ялли мажлисда асосланган тушунтиришлар берилмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари тегишли ҳудудни ривожлантириш билан боғлиқ энг муҳим масалаларни муҳокама этиб, қарорлар қабул қилаяпти, мазкур қарорлар ижрога қаратилаяпти, депутатлар долзарб масалаларни ўрганиб, сессиялар муҳокамасига олиб чиқаяпти, уларнинг таклифлари қарорларга асос бўлмоқда.

Ана шуларнинг барчаси одамларнинг демократия ва унинг ҳаётимиздаги аҳамиятини тереққоқ тушуниб етишига катта ижобий таъсир ўтказмоқда, демократияга нисбатан муносабат юксалишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг ҳаётдаги исботи сайловда кўринди. Сайловчи овоз берадиган номзоди эрта қарар қилиб, депутатларнинг ҳал қилишда ташаббус кўрсата олишига ишониб, сайлов жараёнларида астойдил қатнашди, сайлов участкасига келиб мустақил фикрлаб, овоз берди.

Хулоса қилиб айтганда, халқимиз сайловда фаол қатнашиш орқали муҳим сиёсий ҳуқуқини амалга оширди, давлат ҳокимияти юқори органларига ўз вакилларини сайлади, шу билан бирга, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганини яна бир бор намойён этди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ

Мамлакатимиздаги сайловни ёритишда иштирок этаётган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан дунёга Ўзбекистон фуқаролари парламент, маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларига сайловда катта фаоллик кўрсатгани ҳақида тезкор хабар тарқатила бошланди.

одамларни кўриб, хайрон бўлдим, — дейди Сурхондарё вилояти Қумкўрғон туманидаги 58-умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси Қурбонали Жўлиев. — Яқинлашиб, сўраб билсам, маҳалламиздаги одамлар овоз бериш учун навбат кутаётган экан. Ўзаро гурунгда ёши катта қишлоқдошлар олдингиларига нисбатан бу галги сайловда овоз беришга қизиқиш ортгани ҳақида гапирди.

Сайловчиларнинг сайлов участкаларига келиши овоз бериш вақти туғалгача қадар, яъни кечки соат 20:00 гача давом этди. Марказий сайлов комиссияси 22:00 да ўтказган брифингга рўйхатга олинган сайловчиларнинг 88 фоиздан кўпроги овоз бериш жараёнида қатнашгани маълум қилинди. Мамлакатимиздаги сайлов

ни ёритишда иштирок этаётган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан дунёга Ўзбекистон фуқаролари парламент, маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларига сайловда катта фаоллик кўрсатгани ҳақида тезкор хабарлар тарқатила бошланди. Бу ҳақида хабарлар дунё жамоатчилигининг эътибори ва эътирофини қозонди. Кези келганда айтиш керак, 90 фоизга яқин сайловчиларнинг овоз беришда иштирок этиши дунё давлатларидаги сайлов амалиётида кам учрайдиган кўрсаткич ҳисобланади.

Демократия энг аввал фуқароларнинг, сайловчиларнинг кўнглида пайдо бўлади. Халқимиз катта масалалар ҳақида хулоса чиқариш, кўнглин манфаати билан боғлиқ масала бўйича фикри, муносабати, позициясини билдиришда бунинг масъулиятини юракдан ҳис қилиб, чуқур шарқона мулоҳазакорлик билан ёндашиб келган. Сайлов кун овоз бериш жараёнларида бу яққол намойён бўлди. Бунинг сабаби, асослари кўп, албатта.

Авалло, мамлакатимизда демократияни қарор топтириш, халқ ҳокимиятининг асосларини мустаҳкамлаш ва мақомини ошириш бўйича босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, **Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси**да бу масалаларга юксак эътибор қаратилди. Унда илгари сурилган ғоялар асосида Президент, қонун чиқарувчи орган ва ижро ҳокимияти ваколатлари ўртасида демократик мувофиқлик таъминланиши, манфаатлар мувозанати барқарорлаштирилди. Ҳар бир шаҳарнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этиши

МЕН САЙЛОВДА БИРИНЧИ МАРТА ОВОЗ БЕРДИМ!

Нодира ШУКУРОВА, Бухоро давлат университети талабаси:

— Эрта тонгданок катта ҳаяжон билан сайлов участкаси томон ошдиким. Аниқ қарорга келишим учун сайловдан олдин сайлов қонунчилиги ҳақидаги билимларимни оширишга ҳаракат қилдим, 4 та сиёсий партиянинг депутатликка номзодлари ҳақида маълумотга эга бўлдим, номзодлар билан учрашувларда қатнашдим. Тенгдошларим билан университетимизда сайлов бўйича ўтказилган барча тадбирларда иштирок этдик.

Сайлов кунига қадар депутатликка номзодларнинг дастурий мақсадларини таҳлил этдим, ўзим яшаётган маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб уларни таққосладим. Чунки мен қўллаб-қувватлаган номзод эртага вакиллик ҳокимиятида депутат сифатида менинг, яқинларим ва кўни-қўшнилариим манфаатини ҳимоя қилиши, биз истиқомат қилаётган ҳудуд тараққиётига ҳисса қўлиши керак. Демак, сайлов бу — сайловчи учун ҳам катта масъулият, мен каби миллионлаб йигит-қизларга билдирилган юксак ишонч дегани. Шу боис овоз бериш жараёнида ана шу ишонччи оқлашга ҳаракат қилдим. Энг муҳими, бу танлов орқали менда фуқаролик бурчи, масъу

улияти янада юксалди. Мамлакатимиз тақдири учун ўз овозимга эга эканлигим ўзимга ишончимни оширди, кучимга куч қўшди.

Ўқтам УСМОНОВ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси:

— Ёшлигимдан ижтимоий-сиёсий жараёнларга жуда қизиқаман. Шунинг учун бўлса керак, сайловда катта ҳаяжон ва хурсандчилик билан қатнашдим. Сайловда қатнашиб, биринчи марта овоз берганим мен учун унутилмас воқеа бўлиб қолади. Айниқса, овоз бериш кабинасига кираверишда энди мен ҳам жамият ҳаётининг сиёсий жараёнларининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси эканлигимдан фахрдандим. Муносиб номзодга овоз беришда ўз мустақил фикримдан келиб чиқиб, ҳолис муносабатимни, хоҳиш-истакларимни эркин билдирдим. Мен сайловда қатнашиб, ўзимни жамият ҳаётининг фаол аъзоси сифатида ҳис қилдим.

Ойбек ТўРАЕВ, Қашқадарё вилояти, Китоб туманидан:

— Мен биринчи марта сайловда овоз бердим. Сайлов участкасида юзлаб одамларнинг навбат



билан овоз беришини кўриб, фуқароларимизнинг юрт келажакига дахлдорлик ҳисси ошиб бораётганига амин бўлдим. Энг аҳамиятлиси, улар ўз хоҳиш-истаклари билан келишмоқда. Мен биринчи марта ўз сиёсий ҳуқуқимдан фойдаландим. Энди мен янги сайланган депутатга ўз тақлифларимни бемалол айта оламан. Авваллари ўзимни бунга тайёр эмасдек сезардим. Сайловдан сўнг қонун ва қарорларимизни чуқурроқ ўрганиб,

улардан оқилона фойдаланиш истаги янада ортди. Кейинги сайловларда сиёсий дунёқарашимни ошириб, сайлов жараёнларида янада фаолроқ бўлишга ҳаракат қиламан.

Соҳибқирон ЖўРАЕВ, Андижон вилояти, Избоскан тумани:

— Сайлов участкаси томон бораётганимда қаттиқ ҳаяжонландим. Сайловда овоз танлаган номзодларга оғим бердим. Бу шунчаки фуқаролик ҳуқуқимдан фойдаланиш эмас, балки юрт ҳаёти учун жон куйдира оладиган номзодларни юзага чиқишига ҳисса қўлиш демакдир. Номзодлар билан учрашувларда фаол иштирок этганим, уларнинг дастурлари билан яқиндан танишишим туфайли ишонч билан овоз бердим.

Мен шу сайловда қатнашиб, сайловчи зиммасида катта масъулият борлигини янада чуқурроқ англадим. Биз сайловчилар қанча масъулиятли бўлсак, муносиб номзодларга овоз берсак, юртимиз тараққиётига шунчалик кўпроқ ҳисса қўшган бўлаемиз.

«Ўзбекистон овози» муҳбирлари Бобур ЭЛМУРДОВ, Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.

«Давоми. Бошланғич 1-бетда».

СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

Ватан, халқ тақдирига дахлдорлик туйғуси яққол намойён бўлди

Дарио ЧИТАТИ, Олий геосиёсий тадқиқотлар ва турдош фанлар институтининг «Евросиё» дастури раҳбари (Италия):

— Сайловчилар овоз бериш жараёнида фаол иштирок этди. Парламент сайловида қўллаб халқаро кузатувчиларнинг қатнашгани ҳам мамлакатда демократияни мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир. Ўзбекистон Республикасининг сайловга оид қонун ва бошқа ҳужжатлари халқаро меъёrlарга тўлиқ мос келади, сайловчиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган демократик тамойилларни ўзида кенг ифода этади.

Бернадет МИЛЛ, Лондоннинг Уолтхэм-Форест муниципалитети депутати (Буюк Британия):

— Сайловчиларнинг қарийб 90 фоизи сайловда иштирок этгани Ўзбекистон фуқароларининг юксак фаоллигидан далолат беради.

Мамлакатингиз сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сайловнинг юқори савияда ташкил этилиши ва энг юқори демократик талаблар асосида ўтиши учун шартит яратди. Хива шаҳридаги қатор сайлов

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига Бош вазир лавозимига номзодни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан таклиф этилиши, парламентнинг ҳуқуқатга нисбатан ишонсизлик вотумини билдириш каби муҳим институтлар киритилгани алоҳида эътиборга молик. Бундай ислохотлар Ўзбекистондаги демократик механизмларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда, сиёсий партияларнинг аҳамиятини янада оширмоқда.

Валериус СИМУЛИК, Литва Сеймидаги Ўзбекистон билан парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи раиси:

— Ўзбекистон нафақат тинч ва осуда, балки толерантлик, ўзаро меҳр-оқибат устувор бўлган давлат. Бу сайлов жараёнида ҳам яққол кўзга ташланди. Кўпчилик халқаро кузатувчилар эътироф этаётганидек, ёшларнинг сайловга муҳим тадбир сифатида қараб, ўз конституциявий ҳуқуқимни амалга оширишга, деб фахр билан фаоллик кўрсатгани менинг

ҳам эътиборимни тортди. Ўзбекистон ва Литва давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик, парламентлараро алоқалар ривожланиши халқларимиз манфаатларига хизмат қилади. Ўйлайманки, келгусида таълим ва санъат йўналишларида, бизнес соҳасида ҳамкорлигимиз янада ривожланади ва бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд.

Қуандик ТУРГАНҚУЛОВ, Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси:

— Сайлов кунлари Бухорода бўлиб, сайловда кампаниясини бевосита кузатиш имкониятига эга бўлдик. Тайёргарлик жуда юқори даражада ташкил этилган. Бир неча сайлов участкаларига бориб, парламент сайловини кузатдик. Сайловчиларнинг овоз бериш жараёнида фаол иштирок этгани қувонарли. Сайловда қўллаб халқаро кузатувчиларнинг қатнашгани мамлакатингизда демократияни мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир.

лик жуда маълум бўлди. Барча овоз берувчилар номзодларнинг дастури, сайловга оид бошқа маълумотлардан етарли хабардорлиги сайловга юксак даражада тайёргарлик қўрилганини тасдиқлади. Мамлакатингизда бўлиб ўтган сайловда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Эколог ҳаракати учун 15 депутатлик ўрни ажратилгани экологик муаммоларни бартаф этишда илгари сурилаган улкан ташаббус, деб ўйлайман. Улар келгусида соҳага тегишли ҳуқуқий базани янада тақомиллаштиришга, иқтисодий механизмларни ривожлантиришга муносиб улуш қўшади.

Сайловчилар учун яратилган қулай шарт-шароит, сайлов участкаларидаги тартиб ва ҳушмуомала

Виджай ЖОЛЛИ, «Бхаратия Жаната» партиясининг ташқи алоқалар бўлими мувофиқлаштирувчиси (Хиндистон):

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Халқларимиз очик-кўнгли ва самимийлиги билан бир-бирига жуда яқинлигига гувоҳ бўлдим. Сайлов кун Тошкент шаҳридаги 76-, 81-, 166-сайлов участкаларида бўлиб, яратилган қулайликлар билан танишдик. Биз ҳам ўрганишимиз керак бўлган бир қатор жиҳатларга гувоҳ бўлганимизни айтишни хоҳлардим.

Марказий сайлов комиссиясининг ваколати кенгайгани соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришга хизмат қилса, ғолиб партия Бош вазир номзодини кўрсатиши демократик тамойилларга жуда мос. Мазкур қонуний ҳужжатлар ва унга киритилган ўзгаришлар сайловни янада очик ва ошкора ўтказишда қўл хижатларга гувоҳ бўлганимизни айтишни хоҳлардим.

Ўзбекистон Республикасининг сайловга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари билан танишиб чиқдим.

Карлис КАМРАДЗИС, Латвия Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари:

— Мен Самарқанд вилояти ва пойтахтинингиздаги бир неча сайлов участкаларида сайлов жараёнини кузатиш имконига эга бўлдим. Сайлов участкалари фаолиятидаги профессионаликка, замонавийлик ва миллийлик ҳусусиятларининг уйғунлаштирилганига, сайловчиларнинг Ватанда ўз фуқаролик бурчини тўла-тўлиқ адо этишга бўлган фаоллигига ҳавасим келди. Бу Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш, сайлов тизимини ислох этиш йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг ўзига хос натижасидир.

Ўзбекистонда парламентга Эколог ҳаракатдан депутатлар

«Давоми. Бошланғич 1-бетда».

ТАДБИР

Инсон саломатлиги — бош масала

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси томонидан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижроси қандай таъминланаётганига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда таъкидланганидек, бу гунги кунда шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимидаги 184 та тиббиёт муассасалари пойтахтликларга малакали, сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

«Соғлом бола йили»да бошқарма тизимида жами 2140,7 аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди, — дейди Шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Мамажонов. — Шунингдек, ушбу йилда шаҳримизда фаолият юритаётган 6 та тиббиёт муассасасида реконструкция ишлари олиб борилди. Шу билан бирга Яшнобод туманида янги оилавий поликлиника фойдаланишга топширилди. Ушбу ишларни амалга ошириш учун давлатимиз томонидан 25,0 миллиард

сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Қолаверса, шаҳардаги 60 та оилавий поликлиника «Саломатлик — 3» лойиҳаси доирасида замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Келгуси — 2015 йилда эса яна 8 та тиббиёт муассасасида 33,5 миллиард сўмлик қурилиш-реконструкция ишларини бажариш кўзда тутилган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўрсатилган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш» масаласи ижросини таъминлаш юзасидан бошқарма тизимида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун ФХДЭ органилари томонидан берилган йўлланмалар



Уша олган сурат.

асосида никоҳланувчи ёшлар тиббий кўриқдан ўтказилиб, касаллиги аниқланганлар соғломлаштирилди. Шунингдек, оилавий поликлиникаларда жойлашган ёш никоҳланувчиларни қабул қилиш хоналарида ёшларга тиббий маслаҳатлар бериб берилмоқда.

Аҳоли репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтган вақт мобайнида 635997 минг нафар туғиш ёшидаги аёллардан

633188 нафари чуқурлаштирилган профилактик тиббий кўриқдан ўтказилди.

Тадбир сўнггида соҳада амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда ўз ечимини кутаётган муаммолар ва уларни ҳал этишга қаратилган лойиҳалар хусусида ҳам атрофича маълумотлар берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, Ўзбекистон овози мухбири.

2014 ЙИЛ СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Наргиза ювилган кийим-кечакларни ёяётганди, дарвоза кўнгириги беҳос жиринглади. Ховлида ўйнаб юрган ўғилчаси Ботир билан қизалоғи Асал югуриб бориб, эшикни очишди. Ботир оstonада турган ўрта яшар, ёқимтой аёлни танимай онасига қараб қичқирди:

— Ойижон, меҳмон келдила...

«Болажон» таълим дастури

Наргиза кўлидаги чойшабни шошибгина дорга илди-ю ташқарига йўналди. Келган аёл танишдек туюлди, аммо кимлигини эслолмади.

— Келинг, ичкарига кириг, сизни танимайроқ турибман...

— Мен маҳалла фуқаролар йиғиниданман, болаларингиз боғчага қатнамас экан-а?

— Ҳозир ўзим уйданман, шунинг учун ёнимда юраклишим, деб ўйлагандим.

— Шундай денг, хабарингиз бўлди-юйқми, Халқ таълими вазирлигининг «Болажон» мактабгача таълим дастурига асосан, бу йил боғчаларга қамраб олинмаган болалар учун 5 та дарслик қўлланма chop этилган. Биз ташкил этган тадбирга борсангиз, сизга ҳам ўша китоблардан берамиз. Уйда мустақил равишда болаларингиз билан шуғулланасиз.

— Яхши иш бўпти-да, опа, тадбирга жон деб, борганим бўлсин, китоблар неча сўм?

— Улар бепул, бориб, гаплашиб оламиз, туман халқ таълими бўлимидан, маҳалла фуқаролар йиғинидан, мактаблардан, боғчалардан вакиллар бўлади.

Белгиланган кун Чилонзор туманидаги 162-умумтаълим мактабда тадбир бўлиб ўтди.

Уша кун Наргизадан ташқари, яна бир гуруҳ ота-оналар келишган экан. Улар «Болажон» таълим дастури асосида ишлаб чиқилган суратли китобларни, яъни «Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик», «Математик тасавурларни шакллантириш», «Ота-оналар учун шеърӣ асарлар тўплами», «Соғлом танда — соғ ақл» қўлланмаларини олиб беҳад мамнун бўлишди.

— Болам ёнимдалигидан хурсанд юраверибман-у, унинг ҳозирдан мактабга тайёргарлик кўриши лозимлигини ўйлаб кўрмабман, — дейди Дилфуза Жумабоева. — Шу қўлланмаларни нашр этганларга раҳмат.

— Бундай хайрли иш юртимиз бўйлаб кенг қанот ёзди, — дейди Чилонзор туманидаги «Камалак» мактабгача тарбия муассасаси мудираси вазифасини бажарувчи Дилнавоз Тўхтаева. — Фарзандлари боғчаларга қамраб олинмаган ота-оналар учун бу қўлланмалар жуда фойдали бўлмоқда.

Азиза АХМЕДОВА, журналист.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



Aziz yurtdoshlarimizni kirib kelayotgan yangi 2015-yil bilan muborakbod etgan holda quyidagi xizmat turlarini taklif etamiz

“INTERNET-BANKING” - to'lovlaringizni masofadan turib amalga oshiring

“SMS-BANKING” - hisob raqamingizdagi mablag'lar harakati to'g'risida doim xabardor bo'ling

Agrobankda “CLICK” hisob raqamini oching va barcha to'lovlarni mobil aloqa yordamida amalga oshiring

Yuridik shaxslar uchun mo'ljallangan depozit sertifikatlarini orqali pul mablag'laringizni ko'paytirib

Xalq farovonligi faoliyatimiz mezonini

www.agrobank.uz

Xizmatlar litsenziyalangan

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«UZVTORMET» МЧЖ

2011-2014 йиллар мобайнида топширилган қора металл парчалари ҳисобига ҳосил бўлган қарздорликни бартараф этиш мақсадида 1 ой ичида мурожаат қилишингизни сўрайди.

Мурожаат учун манзил: 100154, Тошкент шаҳри, Жанубий Саноат даҳаси. Тел: (0371) 258-85-60.



«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

куйидаги ишлаб чиқариш комплексларини сотиб олишни таклиф қилади:

Паррандачилик йўналиши бўйича:

Фаргона вилояти, Куvasoy шаҳрида жойлашган «Quvasoy Nasilli Parranda» МЧЖнинг 100 фоиз улуши савдога чиқарилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 13 092 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 30 декабрь соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2014 йил 29 декабрь соат 17:00 гача қабул қилинади.

Мазкур улуш 2014 йил 30 декабрь кунини аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2015 йил 15 ва 30 январь кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдоларда қатнашиш учун аризалар савдо кунидан бир кун олдин соат 18:00 гача қабул қилинади.

Мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича:

Фаргона вилояти, Учкўприк тумани, Хамид Олимжон кўчасида жойлашган «Valley Mountain's Fresh» МЧЖнинг 100 фоиз улуши савдога чиқарилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 7 557 000 000 сўм

Савдолар 2014 йил 27 декабрьга қадар ҳар кун соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун аризалар савдо кунидан бир кун олдин соат 17:00 гача қабул қилинади.

Текстиль саноати йўналиши бўйича:

Хоразм вилояти, Шовот тумани, Гулзор кўчасида жойлашган «Katqal'atex» МЧЖнинг 100 фоиз улуши савдога чиқарилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 9 523 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 26 декабрь кунини соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2014 йил 25 декабрь соат 17:00 гача қабул қилинади.

Мазкур улуш 2014 йил 26 декабрь кунини аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йил 29, 31 декабрь кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдоларда қатнашиш учун аризалар савдо кунидан бир кун олдин соат 17:00 гача қабул қилинади.

Мазкур аукцион савдолари шартлари ва бошқа маълумотлар юзасидан «Ипотека-банк» Бош офисига мурожаат этиш мумкин. Телефон: (0-371) 150-89-30, 150-89-31.

Хизматлар лицензияланган.

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ



кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади.

Иш тартиби: душанба-жума кунлари соат 9:00дан 18:00гача.
Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6.
Телефон: 244-39-47, 244-50-54.

www.vinsanoat.uz

Хизматлар лицензияланган.



«Асака» банк

танлов асосида лицензияга эга ташкилотларни банк корхонаси бўлган «ГЛОТЕКС БИЗНЕС» МЧЖнинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун таклиф этади.

Таклифлар 2014 йил 31 декабрьгача қабул қилинади.

Кўшимча маълумотлар учун куйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Муқимий кўчаси, 1-тор кўча, 9-уй.
Телефонлар: (+99871) 120-39-78; 120-39-75.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖ

2015 йил 3 февраль кунини очки аукцион савдоларини ўтказиш

Савдоларга Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 323-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги савдо бошқармасининг автокорхонаси балансидаги 1990 й. и/ч, д/р 10TQ728, бошланғич нархи 3 100 000 сўм бўлган «ЗИЛ-ММ3-4502»; 1991 й. и/ч, д/р 10TQ727, бошланғич нархи 3 000 000 сўм бўлган «ЗИЛ-ММ3-4505»; 1977 й. и/ч, д/р 10TQ731, бошланғич нархи 2 600 000 сўм бўлган «ЗИЛ-130»; 1989 й. и/ч, д/р 10TQ753, бошланғич нархи 2 300 000 сўм бўлган «ГАЗ-53-12» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10:00 да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00 да тўхтаилади. Савдоларда қатнашиш учун зақалат тўғрисида келишувга мувофиқ автотранспорт воситаси бошланғич нархининг камида 20 фоизи миқдориди зақалат пули «Toshkent kim oshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000004932833001 ҳисоб рақамига тўланади. Мазкур автотранспорт воситалари юқориди белгиланган савдо куниди сотилмаган тақдирда навабдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади. Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган зақалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда этишмаётган суммаси шартнома тузулгунча қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади. Талабгорлар белгиланган муддатларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусxada, зақалат тўлов ҳужжати нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт тақдим этилди.

Аукционда қатнашиш тартиби ва талаблари тўғрисида қўшимча маълумотлар кўрсатилган манзилдан олиниши мумкин. Буюртмалар аукцион ўтказиладиган куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Анхор бўйи кўчаси, 18-уй. Телефон: (+998 95) 143-69-97 электрон почта: tkos-mail@inbox.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар бошқармаси Уй-жой коммунал ва меҳмонхоналар хўжалиги бошқармаси Балансидаги 2005 й. и/ч д/р 01/061GBA бўлган «ГАЗ-31105120» — 5 700 000 сўмга ва д/р 01/297 QCA бўлган «ГАЗ-31105120» — 5 500 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005414-05

ОБ-ҲАВО 25-26.12 — 2014

Юртимиз бўйлаб (°С)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+3 / +5 +6 / +8

Бухоро ва Навоий вилоятлари

-3 / +2 +5 / +10

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

0 / -2 +6 / +11

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+1 / +6 +6 / +11

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

0 / -5 +2 / +7

Тошкент шаҳри

+3 / +5 +6 / +8

Дунё бўйлаб (°С)

Лондон +7 / +6

Париж +8 / +7

Москва -7 / -11

Мадрид +12 / +13

Пекин +5 / +4

Канберра +28 / +24

Рим +14 / +11

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хайъати ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлими раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор Нағмет Аимбетовга онаси

АҚИЛ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МУАССИС:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

ТАХРИР ҲАЙ'АТИ:

Abdulla O'RIPOV Ulug'bek Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV MUSTAFOYEV Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV Muslihidin (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV MUHIDDINOV Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA Ochilboy RAMATOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56 E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259 12 639 nuxxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 21.00 Topshirilgan vaqti — 00.50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5 6